

Эрмаматов Ш.Ж. – ТошДШУ кафедра мудири,
иқтисод фанлари номзоди

РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Аннотация

Мақолада рақобат муҳити тушунчаси, уни шакллантиришнинг муҳим омиллари ва шарт-шароитлари ёритиб берилган. Рақобат муҳитининг миллий иқтисодиёт фаолияти самрадорлигига таъсири назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Таянч сўзлар: рақобат, рақобат муҳити, тадбиркорлик, хусусийлаштириш, рақобат кураши, хусусий мулк, монополия, табиий монополия, танлаш эркинлиги.

Аннотация

В статье раскрыта сущность понятия конкурентной среды, обоснованы факторы и предпосылки ее формирования. С теоретической точки зрения обосновано влияние конкурентной среды на эффективность функционирования национальной экономики.

Ключевые слова: конкуренция, конкурентная среда, предпринимательство, конкурентная борьба, частная собственность, монополия, естественная монополия, свобода выбора.

Annotation

The article reveals the essence of the concept of a competitive environment, substantiates the factors and prerequisites for its formation. From a theoretical point of view, the influence of the competitive environment on the efficiency of the functioning of the national economy has been substantiated.

Key words: competition, competitive environment, entrepreneurship, competition, private property, monopoly, natural monopoly, freedom of choice.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишига, миллий ва халқаро рақобатбардошлиқ даражасига боғлиқ.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиб, кўпроқ фойда кўриш ҳар қандай мафкурадан устунроқ бўлади. Кишилар иқтисодий фаолият кўрсатишнинг энг арzon ва мукаммал йўлларини излаб топишга ҳаракат қиладилар ва бунинг учун рақобат механизми қулай шарт-шароит яратади. Рақобат курашида энг аввало, товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар юқори фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали уларнинг нархларини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса бир томондан, сотиладиган маҳсулотларнинг ҳажмини қўпайтиrsa, иккинчи томондан, улар даромадларининг ошишига асос бўлади.

Ўз навбатида бундай имконият тежамкорлик, илмий-техника ва янги технология ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилгандагина рўёбга чиқади. Бу эса ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишига пухта асос яратади. Рақобат шароитида ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари ва хизматларининг хиллари ва навларини доимо янгилаб, ўзгартириб ва кенгайтириб туришдан манфаатдор бўладилар.

Қолаверса, тадбиркорлар бозорда истеъмолчиларнинг эътиборини қозониш ва уларни ўzlарига жалб этиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар. Бунга улар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, товарлар сотиб олишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган шакл ва услубларни жорий этиш туфайли эришадилар. Бундай интилишлар, бир томондан, тадбиркорларнинг даромадларини кўпайтиrsa, иккинчи томондан, истеъмолчиларнинг турли товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Натижада бундан ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам манфаатдор бўлади. Рақобатнинг бундай мўъжизаси ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг чекланмаганлиги шароитида иқтисодий

фаолиятни оила хўжалиги, фирма, тармоқ ва тармоқлараро, ҳудудлар, мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиёти миқёсида ташкил этишнинг ва бошқаришнинг энг ноёб йўлларини танлашда тўла намоён бўлмоқда. Бу эса иқтисодий мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Рақобат сотувчини ўз товари нархини ўзига хос тарзда пасайтиришга ва товар ҳажмининг айни вақтда ижтимоий эҳтиёжларга мос келмаган қисмини қисқартиришга мажбур қиласди. Бундай камайтириш ёки умуман керак бўлмаган товар ишлаб чиқарилганлиги, ёхуд унинг керак бўлмаган ҳажмда, ортиқча ишлаб чиқарилганлигидан далолат беради. Шу сабабли айнан рақобат тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий двигателлардан бири ҳисобланади, чунки ишлаб чиқарилаётган товарларни такомиллаштиришга эътиборсизлик ишлаб чиқарувчи учун қимматга тушади.

Энг муҳими, рақобат туфайли жамият тан олмаган, самарасиз ишлаб чиқариш ва хизматлар бошқа нуфузли йўналиш ва тармоқларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Натижада иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга ошади.

Рақобат муҳитини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири хусусий мулкнинг иқтисодиётда етакчи ўринга эга бўлишидир. Хусусий мулк инвестициялар кириб келишини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Хусусий мулк ва рақобат муҳити ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, хусусий мулк етакчи ўринга эга бўлмаган жамиятда рақобат муҳити шаклланиши мумкин эмас.

Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши хусусийлаштириш жараёнига, унинг услубига, суръатларига ва кўламига боғлиқ. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан кўп укладли иқтисодиёт вужудга келади.

Маълумки, мулкни хусусийлаштириш жараёни аралаш иқтисодиётни юзага келтириш билан тадбиркорликнинг ривожланишига, рақобат муҳитининг шаклланишига кенг йўл очади. Хусусий тадбиркорлик, энг аввало, кам капитал талаб қилувчи ва тез фойда келтирувчи тармоқларда ривож топади. Бу эса

кичик корхоналарнинг ривожланиши, бандлик ва истеъмол бозорини тўлдириш муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга қўп сонли кичик корхоналар ўртасидаги ҳамда кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги рақобат курашининг авж олишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик рақобат муҳитининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келадиган таркиб ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Бозорда қанча микдордаги тадбиркорлик субъектларининг қатнашаётганлиги ундаги рақобатнинг интенсивлигини белгилаб беради. Айни вақтда рақобат бирор бир бозор қатнашчисининг мутлақ ҳукумронлигини инкор қилган ҳолда бозорда турли хилдаги ва турли шаклдаги қатнашчилар мавжуд бўлишини шарт қилиб қўяди.

Бозор хўжалигининг асосини бир-бири билан ўзаро рақобатлашувчи йирик, ўрта ва кичик корхоналар мажмуи ташкил этади. Улар жамиятнинг товар ва хизматлар таклиф этиш, ижодий натижалар, ташаббускорлик, иқтисодиётнинг янги шароитларига мослашиш даражасини белгилаб беради. Бозордаги рақобат интенсивлиги ва кўлами ушбу корхоналар сони ва улар фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, турли мулк шаклларига асосланган қўп сонли хўжалик юритувчи корхоналарнинг вужудга келиши рақобат муҳити шаклланишининг энг муҳим омилларидан бири саналади.

Тадбиркорлик эркинлиги хусусий мулк билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у иқтисодиётни ташкил этиш масаласини тадбиркорлар томонидан эркин ҳал этилишини англатади. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлар иқтисодий ресурсларни сотиб олишда, улардан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланишда, ишлаб чиқарилган товарларни ўз ихтиёрларига кўра истаган бозорларида сотишда эркин бўладилар. Ҳеч қандай сунъий ғовлар тадбиркорларга бирор бир тармоққа кириш ёки бирор бир тармоқдан чиқиб кетишига тўсқинлик қила олмайди.

Рақобат муҳитини шакллантиришнинг яна бир муҳим омили танлаш эркинлиги билан боғлиқ. Бу шуни англатадики, моддий ресурслар ва пул

капитали эгалари ўз ресурсларидан ўз ихтиёрларига кўра фойдаланишлари ёки уларни ўз ихтиёрларига кўра сотишлари мумкин. Шунингдек, танлаш эркинлиги ҳар бир ишчини ўз қобилияти ва лаёқатига кўра ўзи учун маъқул бўлган ҳар қандай фаолият тури билан шугулланишга имкон беради. Ва ниҳоят, танлаш эркинлиги истеъмолчиларга ўз эҳтиёжларини қондириш учун истаган нисбатда товар ва хизматлар сотиб олиш имкониятини беради.

Рақобат муҳитини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири истеъмол танлови эркинлигидир. Бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи алоҳида мавқега эга бўлиб, айнан у ўз танловини амалга оширап экан, иқтисодиётда қандай товарлар ишлаб чиқариш лозимлигини ҳал қиласди. Ишлаб чиқарувчилар, мол етказиб берувчилар фақат истеъмолчи танлови доирасида ўз қарорларини қабул қиласдилар. Демак, ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариладиган товарларни танлашда эркин эмаслар.

Маълумки, монополиянинг мавжуд бўлиши жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда монополияга қарши қонунчиликнинг асосий мақсади монополияга қарши кураш эмас, балки миллий иқтисодиёт самарадорлигини рағбатлантириш учун самарали рақобат муҳитини сақлаб қолишга қаратилган.

Иқтисодиётда шунингдек, “табиий монополиялар” тушунчаси қўлланилди. Табиий монополиялар иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, транспорт, алоқа, коммунал хўжалиги соҳаларида кенг тарқалган бўлиб, одатда, бундай корхоналар давлат мулки шаклида ёки давлат назорати остида фаолият олиб боради. Ҳозирги даврда иқтисодиётда табиий монополиялар фаолият қўрсатишининг асосий сабабларидан бири соҳада рақобат муҳити яратишнинг иложи йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигидир.

Табиий монополиялар фаолиятларини тартибга солиш, энг аввало, тегишли товарлар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари манфаатларини мутаносиблигига эришиш, корхонанинг иқтисодий асосланган харажатларини

тўлиқ қопланишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мос равища инвестициялаш шарт-шароитларини яратишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, хусусийлаштириш, монполиядан чиқариш ва рақобатни чеклашга бўлган фаолиятларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, шунингдек, хусусийлаштириш жараёнидан кейинги даврда янги ташкил этилган корхоналар фаолиятини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш дастурларининг изчил бажарилиб бориши натижасида бозор муносабатлари субъектлари ҳисобланган корхона ва ташкилотларнинг мамлакатдаги сони муттасил ошиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4047-сон фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль
2. Портер М. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2005. – 608 с.
3. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность – категория комплексная. – М.: Мэйлер, 2009. – 172 с.
4. Гельвановский М., Жуковская В., Трофимова И. Конкурентоспособность в микро-, мезо- и макроуровневом измерениях //Российский экономический журнал. – 2008. – № 3. – С. 68.
5. Завьялов П. С. Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 228 с.
6. Теория конкуренции: учебное пособие для студентов экономических специальностей. – Саратов: Изд-во «Саратовского государственного университета им Н.Г.Чернышевского», 2014. – 80с.